

ЎЗБЕКИСТОН БАЛИҚ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕРЛАШ

Мамаев Баҳодиржон Носирович

АИҚИ, Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

E-mail: bnmamayev@umail.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада саноат ишлаб чиқариш кластерлари, уларни ўзига хос хусусиятлари ва шакллантириш асослари ҳамда аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида балиқ саноатини кластерлаш орқали янада ривожлантириш, уй ва фермер хўжаликларини ихтисослаштиришда кластерларни роли ёритилган.

Калит сўзлар: саноат, кластер, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги, уй хўжалиги кластери, балиқ саноати кластери, инфратузилма, логистика, коммуникация, интеграция, фермер хўжалиги, ҳавфсизлик, рақобатбардошлик.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль кластеров в специализации домашних хозяйств и фермерских хозяйств, дальнейшее развитие рыбной отрасли путем кластеризации с целью обеспечения населения рыбной продукцией, основы их специфики и формирования промышленных производственных кластеров.

Ключевые слова: промышленность, кластер, рыболовство, сельское хозяйство, кластер домашних хозяйств, кластер рыбной промышленности, инфраструктура, логистика, коммуникации, интеграция, фермерское хозяйство, безопасность, конкурентоспособность.

КИРИШ

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини яна тўлароқ қондириш ва мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича қишлоқ хўжалигини алоҳида соҳаси бўлган балиқчиликда бошқаруви тизимини такомиллаштириш, соҳада бозор механизмларини кенг жорий қилиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича ислохотлар жадал олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ушбу соҳани атрофлича таҳлили соҳада балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини кескин

ошириш, интенсив усулда балиқ етиштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, балиқчилик хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай даражада кластерлаш жараёнлари хўжалик юритишнинг муайян шакллари орқали рўёбга чиқарилади. Иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада самарадорликни ва рақобатбардошликни таъминлай олмаётган ҳозирги даврда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш янги иқтисодий тузилма “кластер”ларни жорий этишни тақозо этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш” вазифалари белгилаб берилди.

Кластерлаш иқтисодий муносабатларда, интеграцион жараёнларни жадаллаштиришда миллий иқтисодиётнинг турли бўғинларини мақсадли ва изчил давом этиши ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида ўзини муносиб ўрнини топишида катта роль ўйнайди. Бу эса ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёларни етказиб берувчи фермер хўжаликлари ўртасида самара келтирувчи коммуникацион тизим ва инфратузилмаларни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили:

Кластер назариясининг асосчиси М.Портер рақобатбардош, бир тармоққа тегишли корхоналарнинг турли мамлакатларда тарқоқ жойлашганлигини, уларнинг бир мамлакат, қолаверса, маълум бир минтақада тўпланиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатган. Саноат ва бошқа тармоқлардаги кластерлар фаолияти ўрганилганда, кластер тизимидан ташқаридаги тармоқларга нисбатан рақобатда устунлиги ҳамда улар жойлашган минтақалар аҳолисининг турмуш даражаси ҳам юқорилиги аниқланган.

Бир гуруҳ америкалик олимлар, жумладан М.Енрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл, А.Маршалл, М.Сторпер ва бошқаларнинг кластер ҳақидаги назарияларида кластер - ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизим эканлиги ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатда устунлигини таъминлаши кўрсатилган.

Ж.Даннинг, К.Бримен ва бошқа британиялик олимларнинг назарияларида кластер - ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими эканлиги қайд этилган. Мигранян А.А.нинг фикрича, кластер “иқтисодий фаолиятнинг нисбатан самарали ва бир-бири билан боғлиқ турларининг мажмуи, яъни муваффақият

билан рақобат қилувчи ўзаро боғлиқ гуруҳлар тўплами бўлиб, тармоқ, миллий ва жаҳон бозорларида рақобатчилик вазиятини таъминлаб беради” .

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инвестицион фаолликни ва жозибадорликни ошириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатади. Жаҳон экспертларининг таъкидлашича, кластер механизмидан фойдаланиш бугунги кунга келиб, дунёнинг етакчи мамлакатларида иқтисодиётнинг деярли 50 фоизини эгаллаган.

М.Портер ва М.Енрайтларнинг кластерлашган минтақалар корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1,5 баробаргача, иш хақи эса 30 фоизгача кўп бўлиши, ишлаб чиқариш ва илмий изланиш билан шуғулланадиган ходимларнинг меҳнатларини янада кўпроқ рағбатлантиришга ва рақобатбардош товарларни яратиш учун имтиёзли шароитларнинг мавжуд бўлиши каби кластер механизмнинг устувор томонларини кўрсатишган.

Таҳлил ва натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрда “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4005-сон ҳамда 2022 йил 13 январдаги “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83-сонли Қарорларини[1] қабул қилиниши балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд хавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда балиқчилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифалар белгилаб берди.

Тармоқнинг муҳим йўналишларидан бири — балиқчилик кластерлари бу борада катта аҳамиятга эга. Кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштиришда балиқчилик хўжаликлари хонадон эгаларини балиқ етиштириш бўйича ўқитишни ташкил этиш, уларга балиқ етиштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, балиқ чавоқлари, омухта ем, минерал ўғитларни етказиб бериш ҳамда улар томонидан етиштирилган балиқни келишилган нархларда сотиб олиш йўлга қўйилди. Хонадон эгалари ўз хонадонларида балиқчилик хўжаликлари томонидан етказиб берилган маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда интенсив усулда етиштирилган балиқларни келишилган нархларда уларга сотмоқда. Бу эса ўз навбатида уй хўжаликлари томонидан қўшимча даромад олинишига туртки бўлмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда 67 та омухта ем ишлаб чиқарувчи ҳамда 63 та балиқни қайта ишловчи корхона фаолият юритмоқда. Саноат усулида

етиштириладиган балиқ турлари сони 5 тадан 9 тага етган. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси томонидан жорий йилда 9 та шундай кластерлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг сони 35 тага етказилган. Улар томонидан ҳозирга қадар 29 минг тонна балиқ ва 14 минг тонна балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини янада юқори даражада қондириш мақсадида 2022 йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонида балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилди. Бунда “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредитни базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача оширилди. Республикада балиқ етиштириш ҳажмини 700 минг тоннага етказиш, қўшимча камида 10 мингта аҳоли хонадонида интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда янги 15 та балиқчилик кластерини ташкил этиш билан бирга ҳосилдорлиги 25 центнердан паст бўлган 31 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 78 мингта азратор мосламасини ўрнатиш вазифалари ҳал этилди.

Бундай ютуқларга эришишда эса бевосита уй ва фермер хўжалиklarини тўғри ва мақсадли кластерлашдир.

Ўзбекистон Республикасида балиқ ишлаб чиқариш саноатини кластерлашдан мақсад аҳолини балиқ ва балиқдан тайёрланаётган маҳсулотларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини мақбул даражада тўлароқ қондиришда ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида балиқ ва балиқдан тайёрланаётган маҳсулотларини асосан ўзининг қишлоқ хўжалиги ва саноати асосида ишлаб чиқаришини ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади[4].

Ўзбекистонда балиқ овлаш динамикаси (минг тонна)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги
маълумотлари, 2023

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	59 851,5	65 322,1	83 900,4	90 984,3	121 717,0	144 102,6	171 933,1	185 274,4
Қорақалпоғистон Республикаси	3 410,0	4 515,0	6 157,2	9 856,7	12 847,0	14 441,9	12 637,3	11 385,9
Андижон	2 535,0	2 088,1	4 081,0	10 224,0	11 048,6	17 414,6	20 178,1	21 554,7
Бухоро	1 951,0	2 812,7	3 399,7	3 737,9	5 798,3	7 082,0	10 877,0	10 043,1
Жиззах	10 850,3	11 197,7	13 837,6	7 151,5	10 314,9	13 117,9	13 687,2	15 027,8
Қашқадарё	3 151,0	3 952,3	4 769,6	4 796,1	5 714,4	5 441,5	5 323,3	5 452,6
Навоий	5 610,1	7 669,7	12 565,9	10 882,4	11 997,6	12 458,2	12 769,0	14 076,9
Наманган	2 733,0	3 383,6	5 218,0	5 360,0	6 931,6	8 740,2	11 997,1	14 587,9
Самарқанд	1 839,0	2 540,3	3 435,3	4 006,1	8 974,1	12 725,1	19 534,9	17 262,2
Сурхондарё	1 911,0	2 579,9	3 876,0	3 815,9	3 610,8	4 497,2	5 476,9	6 560,5
Сирдарё	1 822,0	2 279,0	2 222,4	5 375,9	9 994,1	5 551,1	6 434,7	7 214,1
Тошкент	11 557,1	8 171,1	8 155,1	9 867,2	7 896,6	9 726,9	13 239,0	19 289,5
Фарғона	4 025,0	5 214,1	6 781,6	6 430,3	10 567,6	11 151,7	12 155,7	12 494,9
Хоразм	8 457,0	8 918,6	9 401,0	9 480,3	16 021,4	21 754,3	27 622,9	30 324,3

Мамлакатда балиқ етиштиришнинг устуворлиги озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаган ҳолда аҳолини балиқ таркибидаги юқори сифатли оқсиллар билан таъминлаш имконини беради. Таҳлилчиларнинг маълумотига кўра Ўзбекистон учун балиқни истеъмол қилишнинг минимал меъёр миқдори бир йилда бир киши учун 12 килограммни ташкил қилади. Дунё бўйлаб бу кўрсаткич бир киши учун 16,6 килограммни ташкил этади. Мамлакатимизда 36 миллиондан ортиқ аҳолининг балиқ истеъмол қилиш меъёри эса 432 минг тоннани ташкил этади”.

Жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики Ўзбекистонда балиқ овлаш динамикаси ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 107%га кўп балиқ овланган. Қатор йиллар мобайнида 2015 йилдан 2022 йилгача балиқ овлаш миқдори 3 бараварга ортган. Бу ўсиш тенденцияси балиқ маҳсулотларига бўлган талаб мавжуд бўлар экан у ҳеч қачон камаймайди.

Масалан, ўтган йилда балиқчилик йўналишида 290 та лойиҳа амалга оширилиб, 502 минг тонна тансиқ гўшт етиштирилган. Балиқчилик тармоғига қўшимча кредитлар ажратилиши, сув ҳавзаларини ижарага бериш, креветка етиштиришни йўлга қўйиш орқали жорий йилда 850 минг тонна балиқ етиштириш мумкин.

2023 йилда балиқ етиштириш ва овлаш
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

Худудлар	Жами балиқ етиштириш ва овлаш ҳажми (тонна)	Шундан						
		Сунъий сув ҳавзаларда			Табиий ҳавза ва сув омборларида	Қафас (садоқ) мослама сида	Интенсив усулда кичик сув ҳавзаларида	Ёпиқ сув айланма тизими (УЗВ)да
		жами	шундан	ярим интенсив				
Қорақалпоғистон Республикаси	15 000	5 250	4 200	1 050	8 000	300	850	600
Андижон вилояти	12 000	8 952	7 446	1 506	-	-	2 548	500
Бухоро вилояти	9 100	4 085	3 695	390	3 365	450	600	600
Жиззах вилояти	9 910	8 040	7 200	840	250	750	570	300
Қашқадарё вилояти	12 000	6 885	5 785	1 100	1 700	900	2 115	400
Навоий вилояти	13 000	4 030	2 830	1 200	3 000	4 500	1 170	300
Наманган вилояти	15 000	8 955	6 195	2 760	300	1 500	3 645	600
Самарқанд вилояти	12 000	3 905	2 639	1 266	1 100	1 245	5 410	340
Сирдарё вилояти	19 500	18 490	16 810	1 680	600	-	110	300
Сурхондарё вилояти	7 000	3 497	3 005	492	753	900	1 000	850
Тошкент вилояти	21 500	16 860	15 072	1 788	300	1 200	1 540	1 600
Фарғона вилояти	20 000	12 065	10 223	1 842	500	3 000	3 495	940
Хоразм вилояти	16 000	13 305	11 842	1 463	1 000	-	1 025	670
Айдар-Арнасой кўллари	19 490	-	-	-	17 330	2 160	-	-
Жами	201 500	114 319	96 942	17 377	38 198	16 905	24 078	8 000

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари, 2023

Республикада 2020 йилда 367,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқарилган шундан, 42,5 трлн. сўм озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлган. 2019 йилда 322,5 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, 35,3 трлн. сўм қисми озиқ-овқат маҳсулотлари улушига тўғри келган. 2022 йил давомида 402,1 трлн. сўм қийматидаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 52,4 трлн. сўм қисми озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган.

Эндиликда кластерлаш асосида уй ва фермер хўжаликларида балиқ саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун кластерлар ташкил қилинмоқда. Хусусан,

– кластерлаш асосида балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни янада такомиллаштириш, замонавий технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда глобаллашув шароитида озиқ-овқат саноатини, хусусан балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қуйидаги кластерлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– балиқ маҳсулотларини етиштиришни мақсадли кластерларни ташкил қилган ҳолда замонавий инновацион технологияни қўллаш, улар асосида чуқур қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар тармоғини, шунингдек, уларни сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;

– кластерлаш асосида қайта ишлаш саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фаннинг ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жадал қўллаш. Бунда материал ва энергия сифимини пасайтириш, ресурс тежовчи кам чиқимли технологияларга, юқори унумдорликка эга бўлган мини-технологияларга устуворлик бериш;

– кластерлаш асосида замонавий талабга жавоб берадиган инкубация цехлари ташкил қилиш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортиментини ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

– кластерлаш асосида балиқ маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш ҳозирги даврнинг энг мақбул йўлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли фармони.
2. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.: Akademiya, 2012.-161-162-бет.
3. Жўраев Т.Т., Ҳамидов М.Э. Ўзбекистонда агросаноат кластерларининг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, №2, апрел, 2019, ТМИ, Тошкент.
4. Исланкина Е. А. Кластерный подход в экономике: концептуальные основы, история и современность // Научная дискуссия: Вопросы экономики и управления. № 2 (23): сборник статей по материалам XXIII международной заочной научно-практической конференции. — М., Международный центр науки и образования, 2014. — С. 23-31. (https://www.hse.ru/data/.../CV_Исланкина_рус.pdf)
5. Марков Л.С.Экономические кластеры: понятия и характерные черты // Актуальные проблемы социально_экономического развития: взгляд молодых ученых: Сб. науч. тр. / Под ред. В.Е. Селиверстова, В.М.Марковой, Е.С. Гвоздевой. – Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2005. – Разд. 1. – С. 104.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари, 2023.
7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.